

**БАДИИЙ АСАРДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ
ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ**

*Барчин Шукурова Самадовна, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти Катта илмий ходими*

Луқмон Бўрихон ижодида бугунги жамиятимизда кечаётган ўзгаришлар янгиланишлар ва дунёда бўлаётган ижтимоий-сиёсий муаммоларга жавоб тариқасида Комил шахс, Тинчликпарварлик, Имон, Адолат, Муҳаббат, Садоқат, Миллий қадриятларни асраш, Фаровонлик, Оилапарварлик каби этик-эстетик идеаллар акс этган. Ёзувчи глобаллашув даврида юзага келган турли-хил уруш ва ахлоқсизликларга қарши ўз бадиий ижодида ҳам публицистик суҳбатларида оқилона жавоб берган. Луқмон Бўрихон адабиётнинг буюк куч қудратини чуқур ҳис қилган ҳолда ўз асарларида жамиятимизга фойдаси тегадиган адабий қаҳрамонлар ва ғояларни ифодаламоқда. Адиб журналист билан суҳбатида ёзувчининг вазифаси ҳақида шундай дейди: “Шу жамиятда яшар эканмиз, албатта, шу юртга фидокорона, сидқидилдан хизмат қилишимиз лозим. Ўз навбатида биз ижодкорлар ҳам маънавиятга, маърифатга етакловчи ғояларимиз, асарларимиз билан адабиётимизни янада ривожлантиришга ҳисса қўшмоғимиз даркор. Ушбу асар орқали ёшлар маданиятини оширишга, маърифатга чақиришга, китобхонларни буюк аллома билан таништиришга имкон қадар ҳаракат қилдим. Албатта, роман қай даражада ёзилганига ўқувчилар баҳо беради”¹.

Маълумки, “миллий” деганда миллатнинг туб моҳиятига, ўзагига оид бўлган маъно ва тушунчалар англанади. “Миллий маънавий-ахлоқий идеал” деганда маълум миллатнинг маънавий-ахлоқий бойлиги, инсон тараққиётига, ривожланишига хизмат қиладиган урф-одатлари, анъаналарининг юксак қисми тушунилади. Масалан, ҳамма миллатда туғилиш, оила қуриш ва ўлим билан боғлиқ ўзак масалалар борки, улар шу миллатга хос бўлган маънавий-

¹ Аллома сийрати акс этган асар (Ёзувчи Л.Бўрихон билан суҳбат). Суҳбатдош З.Аҳмаджонова // “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” 2022-yil, 9-sentyabr. / №31. – Б. 4.

ахлоқий идеаллар доирасида амалга оширилади. Тўғри бунда диний эътиқод, яшаш жойи, ижтимоий ҳолати каби омиллар ҳам ўринга бўлади.

Умуминсоний идеаллар эса бутун инсониятга хос бўлган овозлик, шахс эрки, виждон, адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, севги-садоқат каби тушунчаларни қараб олади. Бадиий адабиётда миллий ва умуминсоний идеаллар доимо ёнма-ён яшайди. Ҳар қандай инсон (нисбатан етук одамни назарда тутяпмиз – Б.Ш.) биринчи галда ўзи мансуб миллат тафаккур ва турмуш тарзига мос идеалларни бадиий ифода қилади. Лекин бунда умуминсоний қадриятлар доирасида туради. Масалан, Луқмон Бўрихоннинг “Қорхат” ҳикоясидаги Зарифнинг қорхат ёзиши миллий маънавий-ахлоқий идеалда тенгдош, ўзаро яқин ҳамкасбларнинг ўзига хос муносабатини кўрсатишига ишора қилинади. Зариф миллий одат бўлган қорхат ўйинига умуминсонийликдан келиб чиқиб ёндашган. Шу ерда миллий ва умуминсоний ахлоқий идеалларнинг ўзаро ёнма-ён келишини тушуниш мумкин.

Ҳикояда қорхат миллий одатидаги муҳим детал бўлиб, миллий-ахлоқий идеалини йўқотган бошлиқ, Зухро, Алфера Тагировналарнинг маънавий қашшоқлигини очишга хизмат қилган. Бу ерда Зариф биринчи қор ёғишидан завқланиб, болалигини эслаб, кўнглидаги самимий муносабатини ишхонасидаги ҳисобхона ходими Зухрога йўллайди. Бу аслида миллий одатимизда кишилар ўртасидаги самимий муносабат, ўзаро меҳр оқибатни кўрсатишга хизмат қиладиган ҳазил ўйин саналади. Ёзувчи айнан ана шу ўйин воситасида битта жамодаги маънавий ахлоқсизликни очиб ташлайди. Зарифнинг қорхат ёзишида, аввало, инсоний қадрият инсон дилига ёруғлик олиб кириш нияти бўлган. Яъни “ҳамиша тунд, маънос қиёфада юради”ган Заҳронинг “зора кўнгли кўтарилиб, юзига кулги югуриб қолса” деган нияти бўлган².

Маълумки, ҳар қандай бадиий асардаги эстетик фаолият тугал маъно ва аниқ мақсадга йўналтирилган мазмунни ифодалашга йўналтирилган бўлади.

² Луқмон Бўрихон. Қорхат. Ҳикоя. www.ziyouz.uz.

Шу маънода Лукмон Бўрихон “Қуёш ҳали ботмаган” қиссасида Муҳаббат, Ҳалоллик, Иймон, Виждон каби этик ва эстетик идеалларни акс эттирган. Бир қарашда ҳамма биладигандек туюлган воқеа ва кишилар турмуш тарзи остида инсон маънавий қадриятларининг ўзак қисми саналган этик ва эстетик тушунчалар халқ, миллат орасидан йўқ бўлиб кетмаслиги, уни асровчи, сақловчи ва кейинги авлодга етказувчи кишилар ҳамма вақт мавжуд бўлишини бадиий тасвирлайди.

Асар илк бор 2015 йил “Ёшлик” журналининг 1- ва 2-сонларида эълон қилинган. Қиссада XX асрнинг 80-90-йилларида тоғдан чўлга кўчирилган қаҳрамонларнинг ҳаёти ёзувчининг деярли барча асарларида бўй кўрсатадиган ўша олис “Кенгсой” қишлоғида содир бўлади. Асарга Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Сахро сўқмоғида бошин эгиб, жим бир кимса кетмоқда, билмасман у ким...” сатрлари эпиграф қилиб олинган. Эпиграфда сахрода кетаётган одамнинг кимлигини билмаслик айtilса, қиссада “Сахро” одамнинг ҳаёти, армони, орзулари, ёшлиги, муҳаббати, ҳижрони, ўзига нисбатан хиёнати, бир сўз билан айтганда, қисмати ишонарли тарзда тасвирланган. Қисса ҳажман анча катта, аммо асар ниҳоятда раво ёзилган, шунинг учун тез ўқилади. Асарда тасвирланган муҳаббат чизиғи китобхонга лирик кайфият беради. Қисса композициясидаги “Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик” ва “Қуёш ҳали ботмаган” такрорий жумлаларини қаҳрамон руҳий ҳолатига ҳамоҳанг асосий бошланма ва тугалланма дейиш мумкин.

Қиссада икки дўст – Норсоат ва Давронларнинг Кенгсойда кечган болалиги, болалик хотираларини ёдга солувчи калит сўз “Қуёш ҳали ботмаган” шиорини жўр бўлиб, баралла бақриб айтаётган чўллик болалар саргузаштлари ҳикоя қилинади. Асар бефарзанд уста Абил шаҳардан Танзила исмли қизни асраб олганлиги ҳақидаги тавсиф билан бошланади. Барча воқеалар, икки дўст ўртасидаги рақобат гўзал Танзила билан боғланади. Ёш ўспиринларнинг иккиси ҳам Танзилага ошиқ бўлиб қолади. Бириси ошқора, бириси пинҳона Танзилани севади. Норсоат ва Даврон ўқишдан йиқилиб келгач, ҳарбий хизматга чақирилади. Икки дўст ҳарбий хизматга бирга кетиб,

хар хил шаҳарларда хизмат қилади. Улар яна вокзалда учрашиб қолиб, қишлоққа қайтиб келишади. Ҳар иккиси ҳам армияда Танзиладан мактуб олишган. Йигитларнинг Танзилага бўлган пинҳона севгиси янада авж олади. Танзилага совчи жўнатмоқчи бўлаётганини Даврон дўсти Норсоатга айтганида, улар илк бор рақиб сифатида юзма-юз бўлади. Норсоат “Танзилани мен севаман”, дейди. Икки дўст кураш тушиб, ким ғолиб чиқса, ўша Танзилага уйланиши ҳақида келишиб олишади. Даврон Кенгсой қишлоғининг раиси Қувондиқ қайсарнинг ўғли эди. У Норсоатдан жисмонан ва руҳан баланд эди. Норсоат ўзининг ожизлигини биларди. Шунинг учун у севгиси учун курашда ғирромлик қилиб, Давронни енгади. Аммо Норсоат Танзилага уйланиб, болачақали бўлса-да, ўзини бахтсиз ҳис қилади. Чунки у дўстини ғирромлик қилиб енггани учун ўзини кечира олмайди. Ҳатто бу виждон азобидан қийналиб, ичкиликка ружу қўяди. Танзила Норсоатни бу маънавий таназзулдан олиб чиқади, кучли эркак бўлишга чақиради.

Луқмон Бўрихон ана шу уч қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини тасвирлаш орқали инсоннинг ички қиёфасини кашф этади. Аслида, Норсоатни ҳам ғирромлик қилгани учун айблаб бўлмайди. У ўз севгиси учун ғирромликка қўл уради, буни Танзилага ҳам айтади. Икки дўстнинг бир қиз учун ўйин уюштириши замонавий тушунча бўйича хатодек туюлади. Аммо қадим одатларимизда бундай вазиятда кучли, иродали йигит ғолиб бўлиши учун кураш туширилган. Ёзувчи ана шу одат бўйича этик ва эстетик идеалларни қайта жонлантиришга интилади. Аммо энди замон ва тушунчалар ўзгарган чоғда Норсоатдек ғирром кишилар кўп топилади ҳамда уларнинг қилмиши энди оқланадиган бўлган. Аслида, этик ва эстетик тушунчалар бўйича у хато қилди. Лекин у буни кеч англади. У ўзи ва дўстининг етук идеалларини тан олмай бу курашда ўз нафсонияти учун уч шахснинг бахтини қурбон қилди.

Даврон Норсоатнинг ғирром ўйин қилганини айтса-да, ҳеч ким унга ишонмайди. Кун келиб, у чемпион бўлиб, дунёга танилса-да, ўзини бахтли ҳис қилмайди. Чунки у ҳақиқий севгисини топмайди. Бу жиҳатдан у Норсоатга ҳавас билан қарайди. Шунинг учун у мусобақада халойиқ олдида “Норсоат

дунёдаги энг кучли полвон”, деб эълон қилади. Икки дўст бир-биридан кечирим сўрайди: “ – Кечир мени, дўстим, кечир. Йўқ, сен кечир, – деди Даврон ҳам товуши титраб, – сенга кўп озор бердим.

Овозим тобора хириллаб, сўниқ чиқарди.

– Сен мард, ҳалол инсонсан...

– Йўқ, сенга тенг келолмайман, – деди Даврон кафтларини кўзига тегизиб оларкан, – сен мардларча севгининг қули бўлолдинг, мен эса ҳали севгининг ўзини ҳам тополганим йўқ”³. Парчадан маълум бўладики, Норсоат ўз хатосини кеч бўлса-да, тан олади. Бу эса ҳали қалбларда, инсон руҳиятида куёшдек идеаллар йўқ бўлиб кетмаганига ишора қилади. Шунинг учун адиб қиссага “Қуёш ҳали ботмаган” дея сарлавҳа қўяди.

Хулоса шуки, Луқмон Бўрихоннинг “Қуёш ҳали ботмаган” қиссасида инсон руҳияти теран таҳлил қилинган. Асарда Муҳаббат, Ҳалоллик, Адолат, Виждон ва соф Имон этик, эстетик идеали маҳорат билан ёритилган.

Луқмон Бўрихон насрида миллий ва умуминсоний, маънавий-ахлоқий, этик ва эстетик идеаллар маҳорат билан ифодаланган.

Умуман олганда, миллий ва умуминсоний маънавий-ахлоқий идеаллари бадиий асар мазмунининг етакчи компоненти бўлиб, асар мазмунининг салмоғи, оригиналлигини таъминлайди.

³ Бўрихон Л. Қуёш ҳали ботмаган / Қуёш ҳали ботмаган. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015. – Б. 206.